



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
**BUYRUG' I**

2021 yil "30" 09

№ 239

Toshkent sh.

**Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши курашиш ва профилактикаси бўйича Кореянинг КОІСА агентлиги дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши курашиш ва профилактикаси бўйича Кореянинг КОІСА агентлиги дастури доирасида грант маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Кореянинг КОІСА агентлиги ўртасида, ушбу Дастурни амалга ошириш бўйича 2021 йилнинг 6 сентябрида ўзаро англашув меморандуми имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ва жихозлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармаси (А. Хайдаровга) **3 кун муддатда COVID-19** инфекциясини даволашда ишлатиладиган кислород генераторларига бўлган эҳтиёжни аниқлаб, рўйхатини тасдиқлаш учун киритсин.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (З. Гулямовга) кислород генераторларини етказиб бериш бўйича “Узмедимпекс” МЧЖ ва Кореянинг “NF CO., LTD.” компанияси ўртасида имзоланадиган шартномаси бўйича маблағларнинг ишлатилишини таъминласин.

4. Грант маблағларини мақсадли сарфлаш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш вазир ўринбосари А.Азизовга юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Хаджибаев